



2019 yil « 23 » *март* 102 – Қ - sonli

Samarqand sh.

“BRO BEANS” МЧЖга инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар белгилаган ҳолда экотуризм ва туманни экспорт салоҳиятини ривожлантириш мақсадида замонавий иссиқхона, мевали ва ботаника боғи, шарқона услубдаги бозор, логистика маркази, арт-ресторан ҳамда замонавий меҳмонхона қуриш учун ер участкаси ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 октябрдаги “Давлат мулки объектларини ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тадбиркорлик субъектларига сотиш тартибини соддалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5552-сонли Фармони ва халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг 2019 йил 8 февралдаги 342/61-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг 2019 йил 8 февралдаги 342/61-сонли қарори ҳамда вилоят ҳудудий танлов комиссиясининг 2019 йил 20 февралдаги 04-01/20-сонли йиғилиш баёни маълумот учун қабул қилинсин.

2. “BRO BEANS” масъулияти чекланган жамиятига экотуризм ва туманни экспорт салоҳиятини ривожлантириш мақсадида замонавий иссиқхона, мевали ва ботаника боғи, шарқона услубдаги бозор, логистика маркази, арт-ресторан ҳамда замонавий меҳмонхона қуриш учун Тойлоқ туман, Ворсин массивининг 13,14,30,31 ҳамда 32-контурларидаги 72,2 балли жами 10,5 гектар, шундан 8,0 гектар узумзор ер майдонида Экотуризм ва туманни экспорт салоҳиятини ривожлантириш мақсадида замонавий иссиқхона, мевали ва ботаника боғи, шарқона услубдаги бозор, логистика маркази ташкил этиш учун, 2,50 гектар ер майдонида Арт-ресторан ҳамда замонавий меҳмонхона (жойлаштириш) қуриш учун узумзор ер майдони

куйидаги инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларни белгилаган ҳолда, доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиб берилсин:

замонавий иссиқхона, мевали ва ботаника боғи, шарқона услубдаги бозор, логистика маркази, арт-ресторан ҳамда замонавий меҳмонхона қуриш учун 7,0 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиш;

2020 йил 1 декабрга қадар инвестиция лойиҳасини амалга ошириш;

170 та янги иш ўринларини яратиш;

ажратилган ер майдони ва туташ ҳудудларида ободонлаштириш ишларини олиб бориш.

3. Вилоят инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси (Ф.Мажидов) “BRO BEANS” масъулияти чекланган жамияти томонидан инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларни белгиланган муддатларда бажарилиши юзасидан мониторинг юритилишини, инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар бажарилиши юзасидан тегишли маълумотларни ҳар чорак якуни бўйича Самарқанд вилоят ҳудудий танлов комиссияси муҳокамасига киритиб борилишини таъминласин.

4. “BRO BEANS” масъулияти чекланган жамиятига ажратилаётган 10,5 гектар ер майдонини қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги нобудгарчилигини ўрнини қоплаш учун вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасининг махсус ҳисоб рақамига 302500094 (уч юз икки миллион беш юз минг тўқсон тўрт) сўм миқдорида пул ўтказиш юклатилсин.

5. Тайлоқ тумани ҳокимлиги (Б.Бабоназаров), Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (С.Ҳакимов):

“BRO BEANS” масъулияти чекланган жамиятига ушбу қарорнинг 2-бандида кўрсатиб ўтилган ер участкасини ажратиб бериш бўйича ҳужжатлар расмийлаштирилишини қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилишини таъминлаш;

қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги нобудгарчилиги ўрнини қоплаш учун ҳисобланган тўловлар белгиланган тартибда амалга оширилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 36-моддасига асосан, ер участкасидан белгиланган муддатларда фойдаланмаган тақдирда ер участкасига бўлган ҳуқуқ бекор қилиниши юзасидан тушунтириш ишларини олиб бориш топширилсин.

6. Мазкур қарор ижросини таъминлаш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари А.Нуркулов ва О.Ходжаев зиммаларига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Э.Турдимов